

# ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!

1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



## Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳайъати нашри

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 103 — 104

(2640 — 2641)

1993 ЙИЛ

31 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН  
НАРХДА

### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент вилояти ИИБда навбатдаги "Маърифат" дарси бўлиб ўтди.

Дарсни бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Исоқул Усмонов олиб борди. У йиғилганларга шу йил 9 декабрь куни бўлиб ўтган Тошкент вилоят кенгашида Президентимиз И. Каримов сўзлаган сермазмун нутқ ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Ушбу мавзунини ривожлантириб, бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, милиция майори Шокир Икромов, милиция полковниги Бахтиёр Ҳақимовлар йилни якунлаш арафасидаги долзарб вазифалар тўғрисида тўхталди.

Юртбошимизнинг Тошкент вилояти кенгашида сўзлаган нутқида бағишланган "Маърифат" дарсига бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Олимжон Жалилов якун ясади. У асосан бошқарма ходимларининг ишдаги ютуқ ва камчиликлари хусусида атрафлича тўхталиб, бугунги асосий вазифа — жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, 1994 йил учун пухта режа белгилаш кабилардан иборат эканлигини қайд қилиб ўтди.

М. МИРСОВУРОВ,  
милиция подполковниги.

### БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, ҳайъати ва шахсан ўз номидан Сизларни — ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча ходимларни, фахрийларни ва уларнинг оила аъзоларини, муштарийларни янги 1994 йил билан чин қалбдан қутлайман.

Янги йилда Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, ишларингизда қатта ютуқлар, оилавий

бахт, тотувлик, хотиржамлик тилаб қоламан.

Мустақил Республикаимизнинг порлоқ келажаги йўлида олиб бораётган заҳматли, лекин шарафли хизматларингизда омадлар ёр бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар Вазирлиги  
ички хизмат генерал-лейтенанти  
З. АЛМАТОВ.



### ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

#### БУЗОҚНИНГ ҚОЧГАНИ

сомонхонагача деганларидек, Навоий шаҳар Тинчлик кўчасида кетаётган нотаниш қизнинг тилла тақинчоқларини олиб қочган йигит ҳам узоққа кетолмади. Шаҳардаги электр-кимё заводи ишчиси Р. Худойкуловнинг енидан 215 минг сўмлик тилла тақинчоқлар ашёвий далил сифатида олинган, унинг ўз айбига иқроор бўлишдан ўзга иложи қолмади.

#### ТУТАМАГАН СИГАРЕТАЛАР

Мазкур шаҳардаги 29-сон дўконнинг бўлим мудираси Карабашованинг қашандалар "гамини еб" яшириб қўйган 8,5 миллион сўмликдан кўп сигареталари гўтамаса-да, қаердалиги маълум бўлиб қолган, унинг ўзи "тутаб" кетди. Энди бу аёл ўзи еки сигареталари туташ-гўтамаслигидан қатъи назар тергов беради.

#### ОЖИЗАНИ УРГАНДИ

Тошкент шаҳридаги М. Улугбек гуманида Ж. П. исмли аёлни уриб тан жароҳати етказган муштумзўр ушланди. Қарангки, бу зўравон куч-қувватга энди тўлган йигит Ж. Гўшбоев экан. Ожизани дўппослаган бу зўравоннинг қилмиши юзасидан тергов ишлари давом этмоқда.

#### "НОДИР" ОМБОР

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Нодир" тижорат дўконининг янги "нодир" омбори топилди. У дўкон мудирини уйда жойлашган бўлиб, мазкур ертўла-омбордан 854 донна эркеклар қўйлаги, 761 донна эркеклар шими, 25 та костюм, 19 та спорт костюми, 26 та аёллар жемпери, хуллас, 100 миллион сўмликдан ортиқ харидорғир моллар топилди. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

Ш. РЎЗИЕВ,  
ИИБ Матбуот маркази нозир.

Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Юртбошимиз И. Каримов сессияда сўзлаган нутқида мавжуд нуқсон ва камчиликларни санаб ўтар экан, вилоят ИИБ фаолиятига кескин, лекин адолатли баҳо берган эди.

Танқиддан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ўз иш услубларини қайта кўриб чиққан вилоят ИИБ ходимлари шу кунларда халқимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган нуқсонларни бартараф этишга, ишдаги тартиб ва масъулиятни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу йил декабрь ойининг 9-20 кунлари давомида вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда ички ишлар бўлимлари раҳбарияти, участка вакиллари ва шунингдек, бошқа хизмат ходимларининг йил якуни бўйича аҳоли ҳамда меҳнат жамоалари

### МИЛИЦИЯ ҲИСОБОТ БЕРДИ

ҳузурида ҳисоботлари бўлиб ўтди.

Унга қадар жойлардаги тезкор вазият чуқур ўрганилиб, ҳокимиятлар билан келишилган ҳолда ҳисоботлар жадвали тузилиб, халқ эътиборига ҳавола этилди.

Ҳисобот ўтказиладиган идора клубларига бутун жамоатчилик — шаҳар ва қишлоқ шўъбалари, маҳалла қўмиталари оқсоқоллар кенгашлари аъзолари, корхона, ташкилот, муассаса, давлат ва жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари, ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб этилди.

Ун икки кун давом этган ҳисоботлар даврида бутун жамоатчилик вилоят ҳудудидаги жиноятчиликнинг аҳоли ва унга қарши кескин кураш чоралари

тўғрисидаги маълумотлардан тўлиқ воқиф бўлдилар.

Аҳолининг таклиф ва истакларини билиш учун бевосита очик мулоқотлар ташкил этилди. Шу мақсадда вилоят ИИБ ҳисобот даврида 2-06-63 ва 2-69-50 рақамли телефон номерларини "Ишонч телефони" деб эълон қилди. Бу телефонлар орқали аҳолидан 30 га яқин савол тушди. Умуман, ҳисобот вақтида жиноятчилик мавзусида жами 411 та турфа хил саволлар тушиб, 233 та турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ички ишлар идораларининг 1994 йилги иш режаларини тузишда аҳоли томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб фойдаланилмоқда.

Бундай учрашуларда ҳисобот

берган ходимларнинг иш фаолияти нисбатан қониқарли деб топилди. "Оқ олтин" туманидаги Бобур номли давлат ҳўжалигида ўтказилган ҳисобот йиғилишида участка вакили, милиция лейтенанти Х. Муродқосимовга ўз иш фаолиятини яхшилаш учун 3 ой муддат берилди. Худди шунингдек, А. Тоиров номидаги давлат ҳўжалигида бўлган йиғинда ҳам участка вакили, милиция капитани Ю. Мўминовга ўз иш фаолиятини тузатиш учун олти ой муддат берилди.

Вилоятдаги аҳоли ва меҳнат жамоалари ҳузурида 255 та ҳисобот учрашувлари ўтказилди. Бу йиғинларда 36797 та фуқаро қатнашди.

Уйлаймизки, ўтказилган бундай ҳисоботлар ишимизда ижобий ўзгаришлар ясади, албатта.

Т. АЙТБОВЕВ,  
Сирдарё вилояти ИИБ жиноятнинг олдини олиш бўлими бошлиғи,  
милиция подполковниги.

# НАҚЛИЁТ МИЛИЦИЯСИ: ИККИ ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАР

Ўрта Осиё Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармасига айлантирилганга қарийб икки йил бўлди. Қисқа вақт ичида ички ишларнинг ўзига хос бўлими бўлган нақлиёт милицияси фаолиятининг самарадорлиги анчагина ошди, тезкор хизмат ва жиноятларнинг олдини олиш ишининг ғоятда хилма-хил йўналишларида олға қараб дадил қадам қўйилди, республиканинг темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларида вазиятни жиддий тарзда соғломлаштиришга ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга эришила борди.

Қуйида Республика нақлиёт милициясининг бугунги кунги, унинг муаммолари ва истиқболи ҳақида ҳикоя қилинади.

## ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА — НАЗОРАТ, ҲИСОБ ВА ҚАТЪИЯН ТАЛАБ ҚИЛИШ

— Бизнинг зиммамизга юклатилган вазифалар ўзгаргани йўқ. Буларга темир йўл ва ҳаво нақлиётида йўловчилар ва уларнинг мол-мулк хавфсизлигини, шунингдек уларда ташилладиган халқ ҳўжалиги юкларининг бутлигини таъминлаш кирди, — дейди Республика ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги А. Бадалбоев қўли ишонч билан. — Мисол учун, жиноятларнинг очилишини олиб кўрайлик. Мазкур йил охирига келиб у 85,5 фоизни ташкил этди. Бу ИИБ бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири. Жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар миқдори ўтган йил билан қиёслаганда 24 фоиз, шу жумладан гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятлар 50,2 фоиз камайди, ўғирлик ва талон-торожлар анча кам бўлиб қолди. Илгари содир этилган, асосан гувоҳлар йўқлигида амалга оширилган жиноятларнинг очилиши 33,3 фоиз кўпайди. Жиноятларнинг очилмай қолишига йўл қўймасдан, ишларнинг муайян ҳолатидан келиб чиқиб, фаолиятимизга назорат, ҳисоб ва ҳар бир ходимдан ўз иш участкаси учун қатъиян талаб қилишни асос қилиб олган ҳолда ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу натижаларга, албатта, осонликча эришилмади, уларга ички ишлар идоралари ҳудудий бўлинималарининг темир йўл раҳбарияти билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилиши ва бўш жойларни кадрлар билан тўлдирishга жиддий ёндашув туфайли эришилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон, албатта, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Лекин бу нарсa республикамизга жиноятчи унсурлар, текнхур дайдилар ва жамиятга зид бошқа унсурлар бемалол суқулиб кириши мумкин деган маънони аниқлатмайди. Бундай уринишларнинг олдини олиш учун биз қўшни давлатлар билан туташган бекатларда назорат қилиш пунктларини ташкил этдик. Хусусан, Сарносиё, Олот, Келес, Бейнов, Савай, Питнак, Амузанг, Қорақалпоғистон бекатларида шундай қилдик. Бу ерларда паспорт текширилади, зарур ҳолларда юклар қараб чиқилади.

Кадрларни танлаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйишга жиддий эътибор бермоқдамиз. Бошқарув марказини аппаратурининг ҳам, жойлардаги темир йўл ички ишлар идораларининг ҳам раҳбар таркиби жиддий равишда янгиланди. Кадрларга доир ҳамма масалалар, ҳайъат томонидан, очик-ошкор тарзда ҳал қилинмоқда. Мен ўзини талабчан раҳбар деб биламан, бу сифатларни ходимларимга ҳам сингдиришга ҳаракат қилмоқдаман. Сир эмас, ижро этмаслик, ишқамаслик, пала-партишлик учун жазо бериш ҳоллари ҳам учрайди, лекин тақдирланаётган ходимлар кўпчилигини ташкил этади.

Истиқбол ҳақида сўзлаганда, ғиёҳанд моддаларнинг ғайриқонуний айланishi, ахлоқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашадиган мустақил бўлинималарни ташкил этиш, умуман олганда нақлиёт милициясини Бош бошқармага айлантириш зарурати етилганини тилга олмасдан бўлмайди.

Хозирча эса иштиёримиздаги мавжуд куч ва воситалар билан биз тезкор хизмат кўрсатадиган барча зоналарда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкам таъминланishi учун барча ишни қилмоқдамиз.

...28.09.93. Қарши бекатида Насим И., Юсуф Х. ва Аркадий Ф. лар ушланди. Улар бир ярим йил давомида ҳаракатдаги составдан юк ўғирлаб келганлар.

...24.09.93. Қорақалпоғистон бекатида темир йўл ИИБ



ходимлари томонидан Ашгабад — Москва поездида саратовлик йўловчи Сафар М. дан намага ўхшаш 15 килограмм модда топиб олинган ва у мусодара қилинган.

## ЗАРУРАТ ЕТИЛДИ

— Меҳнат таштилидан бугун келдим, — дейди биз билан сўрашаркан тезкор-қидирув бўлими бошлиғи, милиция подполковниги М. Қосимов, — дарҳол ишга шўнғиб кетдим, зериклишга вақт йўқ. Тезкор вазиятнинг аҳолига келсак, ўтган йилга қараганда жиноятларнинг умумий миқдори бироз камайди, уларни очиш эса юқори даражада. "Вокзал", "Юк", "Йўловчи", "ЕММ" каби шартли номланган комплекс тезкор-профилактика тадбирларини ўтказиш ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ғиёҳандлик моддаларини ташкил, сақлаш ва тарқатиш фактларининг миқдори кўпайганилиги (ўтган йилги 452 тадан бу йил 709 тага етган) ташвишлантиради. Лекин бу нарсa ушбу йўналишдаги фаолиятимиз кучайганлигидан ҳам далолат беради. Жиноятчиларни ва бедарак кетганларни қидиришда ҳам умидлантирувчи таомиллар кўзга ташланди. Бироқ пайдо бўлаётган муаммоларни ҳам тилга олмасдан бўлмайди. Иш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда, ходимларимиз штати эса аввалгидек. Шунинг учун асосий бўлимининг ҳам, жойлардаги бўлинималарнинг ҳам ходимлари бир йилда 9-10 ойлаб хизмат сафарларида, поездларда юрадилар.

Буларнинг ҳаммаси тезкор ходимлар штатини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда нақлиёт милициясининг жиноят-қидирув бошқармасини тузиш зарурати аллақачон етилганидан далолат беради. Сўхбатдошимдан кейинги вақтда хизмат амалиётида юз берган ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилишини сўрадим.

— Мана эшитинг, — бир оз сукутдан сўнг у ҳикоя қила бошлади. — Самарқанд темир йўл шохобчаларидан бирида эркак кишининг мурдаси топилди. Унинг юриб кетаётган поезд гилдираги остида қолгани шубҳа тўғдирмасди. Уни дафн этдилар. Лекин бироз муддат ўтгач, марҳумнинг қариндошлари милицияга ариза билан мурожаат қилдилар: гўё ўша эркак ўлдирилган экан. Нима қилиш керак? Ишни янгидан бошладик, мурдани гўрдадан қазиб олиб, яна бир марта диққат билан ўрганиб чиқдик. Бир тафсилот аниқланди. У тирикчилигида ноғирон (бир қўли йўқ) бўлган. Мурда топилган пайтда унинг қўлига ва сантери энги гавданнинг қўлиси томонида қайирилган эди, лекин устки кийими эса бундай қилинмаган. Шубҳа пайдо бўлди. Чамаси, уни бошқа жойда ўлдиришган, кейин устига қўлга тушган кийимни кийгизилгану темир йўлга олиб келиб ташлашган. Текшириш кучайтирилди, натижада қотиллар ушланди: икки киши экан. Улар ўлдирилган киши билан бир ширкатда ишлаган. Унга бериладиган кўп миқдордаги пулни қизганиб, қотиллар ўз шерикларини

ўлдириб қўяқолишган ва мурдани темир йўлга олиб келиб ташлашган.

... 5.10.93. Қарши бекатида Набережние Челнидан келган Алексей К. товар-моддий бойликларни олиб чиқишда шубҳаланиб ушланди. Ундан уч миллион сўмлик саноат моллари ва 10 пўстин мусодара қилинди.

... 9. 10. 93. Олтиариқ бекатида Андижон—Москва поездида кетаётган фарғоналик йўловчи Герман У. ушланди. Унинг юклари текширилганда 22 килограмм

бўлималарга ишлаш учун еш ходимлар келди.

Терговчилар ишининг ҳаддан ташқари кўплиги, хизмат кўрсатиш зоналарининг катталиги баъзан дастлабки терговнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Нақлиёт ички ишлар бошқармаси тергов бўлими қошида суриштирувчилар тартиботини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

... 11. 10.93. Тошкент — Москва поездида ўтираётганда кемероволик Дмитрий А. ушланди, у республикадан 3 миллион 150 минг сўмлик эркаклар кийим-кечагини олиб чиқишга уринган эди.

...1.11.93. Тошкент—Москва (№85) поездида октябалик Осес Г. ушланди. Унинг юклари текширилганда олиб чиқиш учун мўлжалланган салкам 4 миллион сўмлик турли саноат буюмлари топилган.

## НАЗОРАТСИЗЛИК — АСОСИЙ САБАБ

— Усмирлар содир этадиган жиноятларнинг асосий сабаби назоратсизликка бориб тақалади, — дейди бошқарма ЖООБ ВЕИН бошлиғи В. Янкевич, — зеро, ушланганларнинг учдан бири ҳеч қаерда ишламайди ҳам, ўқимайди



кўнор топилид ва мусодара қилинди.

## АСОСАН ЎҒИРЛИКЛАР ҚИЛИНАДИ

— Бизнинг ишимизга нима нарсa характерли эканини тавсифламоқчи бўлсак, шунини айтиш мумкинки, — дейди Нақлиёт ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг муовини, милиция подполковниги В. Поплавский, — кўпинча ҳаракатдаги составдан товар-моддий бойликлар, вокзалларда фуқаролар шахсий мол-мулкни ўғирлашилари, бекатларда талон-торожлар ва қароқчиларча ҳужум қилишларни текшириш билан банд бўламиз. Ғиёҳандлик моддаларини ташкил, сақлаш ва тарқатиш, яъни уларнинг ғайриқонуний айланишига тааллуқли материаллар ҳам оз эмас. Лекин, юқорида айтганимиздек, асосан ўғирликлар қилинади.

Мисол учун яқинда юз берган йирик ишлардан бирини олайлик. Тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш давомида аниқланишча, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида насос қўрилмаси оператори Шариф М. екилги қўювчилар (жами тўрт киши) билан тил бириктириб, салкам 4,5 миллион сўмлик 33842 литр бензинни ўғирлаган. Олтиариқ бекати бўйича наватчи Уткир К. ва шу бекат оператори Ориф К. 120 минг сўм пул эвазига ана шу бензинни цистернага солиб, сохта темир йўл ҳужжатлари билан чиқариб юборишган. Ўғирланган бензинни Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилоятининг Шахристон тумани, "Дилшод" давлат хўжалиги манзилига юборган. Хўжалик директори Олтиариқ тумани тайёрлов савдо идораси дўкон муддир Вали С.га бензинни етказиб бергани учун нақд 2235 минг сўм берган. Бу пулни жиноятчилар гуруҳи қатнашчилари кейин бўлишиб олганлар. Жами 16 киши тергов қилинди, ҳозирча бештаси жиноий жавобгарликка тортилди. Келтирилган моддий зарарининг ўрнини қоплаш мақсадида жиноятчилардан пул ундирилди.

Терговчилар қизгин меҳнат қилаётгани хусусида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Кейинги вақтда бўлимининг ва жойлардаги

## НАВБАТДА — ЖАНУБИЙ ЙЎНАЛИШ

— Ҳар бир ишда тажриба ўтказиш учун ўрин бўлиши керак, — дея қўлимсирайди бошқарма ЖООБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Муродов. — Ҳар бир йўловчилар поездида ҳозир иккитадан ходимимиз боради, бу, албатта, ижобий натижалар бермоқда. Бироқ аҳоли таҳлил этиш бундай оз куч билан поездлар ҳаракатини назорат қилиш, ҳаракат пайтида жиноятчи унсурлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш мушкуллигини кўрсатмоқда.

Бошқача иш тутишга қарор қилдик. Декабрнинг биринчи ўн кунлигида шимолий йўналишга борувчи поездларни ҳаракатчан гуруҳлар кузатиб борди. Натижалар эса самарали бўлиб чиқди. Ўн кун ичидагина 7674 киши ушланди, жами 1,5 миллион сўмлик жарима солинди.

Шимолий йўналиш бўйича ўтказилган ўн кунлик тадбир темир йўл нақлиёти объектларида тезкор вазиятнинг барқарорлашувига ижобий таъсир кўрсатди, аниқланган барча камчиликлардан Ўрта Осиё темир йўли раҳбарияти хабардор қилинди.

...5.12.93. Тошкент бекатида Тошкент—Москва поездида кетаётган Алексей К. ва Сергей Ж. ушланди. Улардан салкам 4 килограмм марихуана топилди.

... 15.12.93. Қўқон бекатида темир йўл ИИБ томонидан Бухородан Марғилонга юборилган контейнердан палослар ўғирлангани юзасидан жиноий ишни текшириш тугалланмоқда. Бунда ҳеч қаерда ишламайдиган Олим Ш. ва боғотлик маданият ходими Раҳим Т. айбланмоқда.

## ҚАБУЛХОНА — ТАҚСИМЛАГИЧ ИШСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Бошқарма қабулхона-тақсимлагичи бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти А. Қаюмовнинг айтишича, ўй-жойсиз дайдилар сони қиш даврида кўпаймаган.

— Мавсумга боғлиқ ҳолда алоҳида сакрашлар кўзга ташланмайди, лекин



ҳам. Энди рақамларга мурожаат қилсак. Усмирлар содир этадиган жиноятлар сони ўтган йил билан қиёслаганда 45 фоиз камайди. Уларнинг 38 фоизини давлат мол-мулкни ўғирлаш ташкил этади, шахсий мол-мулкни ўғирлаш 20 фоиз кўпайган. Шу йил давомида турли ҳуқуқбузарликлар учун салкам 6 минг ўсмир вожа етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциялар ва қабулхона-тақсимлагичга келтирилган.

Болаларнинг жароҳатланиши анча камайди, лекин бу нарсa бизни хотиржам қилмаслиги керак, бу йил темир йўлларда 57 ўсмир жароҳатланди, 26 ўсмир ҳалок бўлди. Бу эса ҳамон уларнинг йўл хавфсизлиги қондаларини назар-писанд қилмаслиги ва ўқув юртларининг ана шу йўналишда тарбиявий иш олиб бормоётганлигидан далолатдир. Андижонда учта ўсмир бир вақтнинг ўзига поезд гилдираги тагида қолиб, ҳалок бўлганини қандай қилиб изоҳлаш мумкин?

Вожа етмаганлар билан ишлаш бўйича вилоят, шаҳар ва туман комиссияларининг иши амалда ҳис этилмапти. Узингиз мурожаат қилинг, йил давомида бу комиссияларга 150 материал юборилди ва 29 тасиғагина жавоб олинди.

бизнинг вазифамиз дайдиларни аниқлаш ва бир ерга тўплаш билангина қифояланмайди. Асосийси, улар орасида ҳуқуқ бузувчиларни, қидирувда бўлган жиноятчиларни аниқлаш, ҳаёт абгор қилган кишиларни иш билан таъминлашдир.

Ўтган йил билан қиёслаганда қабулхона-тақсимлагичга келтирилган шакслар бир оз кўпайди. Улар 746 тадан 805 тага етди. Ўтган йили қидирувда бўлган 120 киши аниқланган эди, бу йил 101 таси аниқланди.

Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишдаги ўз вазифамизни астойдил бажаришга ҳаракат қилаёмиз. Айтмоқчи, қабулхона-тақсимлагичдаги жойларнинг 78 фозни бугунги кунда бўш эмас.

Нақлиёт милицияси — мураккаб механизм бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши ҳам объектив, ҳам субъектив ҳолларга боғлиқ. Биз республика ички ишлар идоралари энг муҳим бўлинималаридан бири ҳақида газетхонларга озгина тасаввур беришга уриниб кўрдик, холос.

А. ВОРГУДЯЕВ.  
Суратларда: нақлиёт милицияси ҳаётидан лавҳалар.  
Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

## ТАШВИШЛИ ХАБАРЛАР КАМРОҚ БЎЛСА

Шайхонтохур тумани ИИБ кўриқлаш бўлими ротаси сардори, милиция лейтенанти А. Абдукаримов ана шу кўриқлаш бўлини хизмат кўрсатаётган ҳудудни қисқача тавсифлагандаёқ уларнинг иши жуда оғирлигини яққол ҳис этдим. Ҳазил гапми — Навоий кўчаси ва савдо расталари, Хадра, Чорсу, Эскишаҳар бозори, Оқтепа майдони, бир талай саноат корхоналари, савдо объектлари, мавзелар уларга қарайди.

Бир неча дақиқадан сўнг тонгги тақсимдан қайтиб келган бўлим бошлиғи, милиция капитани А. Каримов мен билан муфассал суҳбатни бошлаб юборди. Тугаётган йил нимаси билан уларнинг эсида қолди?

— Назаримда энг асосий бўлган нарсдан бошламоқчиман. Бутун ўтган йил давомида биз кўриқлаётган объектлар ва хонадонларда битта ҳам ўғирлик, битта ҳам енгин чиқиши ҳодисаси рўйхатга олинмади. Бу нарса албатта бизни қониқтирмаслиги мумкин эмас. Шуниси қувончлики, биз кўриқлайдиган объектларнинг миқдори яна оша бошлади. Тугалланаётган йилда марказлаштирилган кўриқлаш пултиларида (МКП) 56 та янги

абонент пайдо бўлди, ҳозир биз кўриқлаётган объектлар 317 тага, хонадонлар эса 14000 тага етди.

Туман ички ишлар бўлими билан тигиз ҳамкорлик бунга кўп жиҳатдан имкон яратиб берди. Аввало участка вакиллари томонидан олиб борилаётган кенг тушунтириш ишлари натижасида борган сари кўп раҳбар ходимлар, фуқаролар объект ва хонадонларни марказлаштирган ҳолда кўриқлаш зарурлигини англамоқдалар.

Туман милиция бўлими раҳбарияти амалда барча масалаларда бизга ёрдам бермоқда, бундай бевосита ҳамкорлик тезкор хизмат фаолиятининг барча йўналишларига ижобий таъсир этмоқда.

“Хашар”, “Кулф” ва бошқа шартли номлар билан аталган комплекс профилактика тадбирлари катта самарадорлик билан ўтказилди, бу эса, хусусан, енгиндан муҳофаза қилиш ходимлари билан биргаликда

кўриқланаётган барча объектларнинг техника жиҳатидан мустаҳкамлигини пухта текшириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этишга доир собитқадам иш олиб боришга имкон берди.

Албатта, муаммолар ҳам оз эмас. Марказлаштирилган кўриқлашнинг учта пунктига бириктирилган автотранспорт анча эскирган, пултилар учун комплектловчи эҳтиёт узеллари талаб қилинади, булар эса асосан собиқ Иттифок республикаларида тайерланади. Лекин бизнинг мутахассисларимиз қўлларидан келадиغان барча ишларни қилмоқдалар.

Айтмоқчи, жамоамиз уюшқоқлик билан ишламоқда. Ш. Бинин, В. Ласкова, Н. Муҳитов каби бир неча ўн йилдан бери ишлаб келаётган фахрийларга, касб кўникмаларини эгаллаш иштиёқи билан ёнган ешларга эгамиз.

Яқин истикболда тажриба-

механика ва керамика заводлари, “Шарқ гули” бадий буюмлар фабрикаси ва “Орзу” чарм-атторлик фабрикаси сингари йирик объектларни марказлаштирилган кўриқлашга олмақчимиз.

Кўриқлаш бўлини маси иши билан яқинроқ танишиш мақсадида Беруний кўчасидаги 1-МКПга йўл олдик. Унинг бошлиғи, милиция капитани И. Гуломовнинг ҳикоя қилишича, бу пулт 13 объект ва 355 хонадонни кўриқламоқда. Пулт операторлари ва ушлаш гуруҳлари қизғинлик билан ишламоқдалар. Суҳбатдошим “Марказ-27” мавзеида хонадонга ўғирликка тушишга уринилганини мисол сифатида эслатиб ўтди. Хонадон соҳиби меҳнат таътилга чиқаётганида хонадонни пулт ихтиёрига топширган. Уй эгасининг йўқлигидан фойдаланган ўғирлар, уларнинг уч киши эканлиги аниқланди, мос қалит топиб, эрталаб соат 4 ларда хонадоннинг биринчи эшигини

очишган. Пулт сигнализацияси ишлаб кетди ва ушлаш гуруҳи тезда воқеа жойига шошилди. Подъезд олдида машина турарди, жиноятчилардан бири хонадонга ўғирликка тушган шерикларини пойлаб ўтирган эди. Катта сержант Т. Равшанов, милиционер С. Курбонов ва ҳайдовчи Ш. Мамазиевдан иборат милиция ходимлари тез ва моҳирлик билан ҳаракат қилишди. Ўғирлар қаршилиқ кўрсатишга улгура олмай, қўлга тушишди.

Биз бу ерда бўлган пайтнинг ўзидагина пултда сигнализация бир вақтнинг ўзида икки марта ишлаб кетди. Биринчи сигнал бўйича ўша заҳоти навбатчилар гуруҳи жунади, иккинчи манзилгоҳга қўшни МКП ходимлари юборилди. Қисқаси, пулт ходимлари шундай жиддий вазиятда ҳам ўзларини йўқотиб қўймадилар, шароитга боғлиқ ҳолда ҳаракат қиладилар, бир-бирларининг ўринларини босадилар, зарурат тутилганда ёрдамга келадилар.

Тугаётган йил умуман олганда Шайхонтохур тумани ИИБ кўриқлаш бўлимининг шахсий таркиби ва ходимлари учун муваффақиятли якунланди, уларга янги йилда ҳам янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. СТЕПАНОВ.

Суратларда: (чапдан) Шайхонтохур тумани ИИБ Кўриқлаш бўлини маси катта но-зири Н. Муҳитов, бўлим бошлиғи муовини милиция капитани С. Каленов ва истеъфодаги майор Ш. Биккин ўзаро мулоқотдалар (чапдаги сурат); МКП бошқарув пултининг муҳандиси Г. Кожу-хова ва бошқарув пулти навбатчиси Л. Каширина маълумот қабул қилмоқдалар.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.



## ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Юнусобод тумани ИИБнинг участка вакили милиция катта лейтенанти Илҳомжон Иброҳимов ҳақиқий инсоний ахлоқни ўзида мужас-самлаштирган олижаноб оқолиқлик посбонларидан биридир. У ёшларнинг меҳр-оқибатли, софдил ва мард бўлиб тарбияланиши учун бутун куч, билим имкониятларини ишга солаётди. И. Иброҳимов ҳузурига ёрдам, маслаҳат сўраб келганларни баҳоли қудрат қабул қилади, зарур чора-тадбир кўради. У тез-тез маҳалла аҳли орасида бўлиб, халқнинг дарди, арзини эшитади, улар билан ҳамкорликда ишлашни қанда қилмайди. Айниқса, кекса отахонлардан ёшлар тарбияси ҳақида қимматли маслаҳатлар олади. Бу эса ўз навбатида бугунда унга асқотмоқда. Кексалар маслаҳатига амал қилгани туфайли унга бириктирилган “Зарафшон” ресторани, Амир Темур, Зобитлар хиебони ҳамда “Тошкент” меҳмонхонаси ҳудудларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг камайишига эришмоқда.

— Дастлаб ишни оддий милиционерликдан бошлаганман. Ўшанда кундузи Тошкент ирригация инженерлари олийгоҳида ўқиб, кечаси Юнусобод тумани ИИБнинг пост-патруль хизматида ишлардим, — дея гап бошлади Илҳомжон ака. — 1981 йили олийгоҳни тугатганимиздан сўнг, бизни, яъни етти нафар ёш мутахассисни комсомол йўлланмаси билан ички ишлар идораларига хизматни давом эттириш учун юборишди. У пайтларда комсомолнинг мавқеи

ва обрўси баланд эди-да.

1989 йили милиция катта лейтенанти И. Иброҳимов Олой бозорига участка вакили этиб тайинланди.

Ўшанда туман ҳудудларини яхши билгани учун виждонан, ҳалол ишлайдиган болаларни саралаб муниципал милицияни ташкил этишга бош-қош бўлган эди. Ўзига ўхшаган ҳалол меҳнат қилаётган болаларни атрофига йиғиб, иш олдинга кетганлигидан қувончини яширолмади. Гапнинг очигини айтганда, бозор тартибга келтирилди.

Лекин бу пайтда “Зарафшон” ресторани атрофида баъзи ёшлар тўпланиб, турли хил жиноятлар содир этаётгани одамларни ташвишга солаётган эди. “Зарафшон” енида жойлашган милиция пунктига арз қилиб келувчиларнинг сони кўпайиб бораётгани. Ўз ишининг кўзини яхши биладиган Илҳомжон ака бу ҳудудга участка вакили этиб тайинлангач, бундай нарсаларга барҳам берилгандек бўлди, яъни содир этилаётган турли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар секин-аста камайди. Бунинг боиси, даставвал участка вакили ўз ишига талабчан бўлганлиги, виждонан меҳнат қилганлигида ва унга юбориладиган қўшимча қучларга аниқ кўрсатмалар ҳамда йўл-йўриқлар берганлигидадир.

Ҳа, бугунги кунда участка вакили И. Иброҳимовга турли ешдаги кишилар мурожаат этишади. И. Иброҳимов эса уларнинг яқин маслақдоши.

Яқинда П. Г. исми қиз участка вакили ҳузурига кириб, номаълум шахслар уни ресторан ер остида зўрлаб, номусига текканлиги

ҳақида гапириб, кўз еши қилди.

И. Иброҳимовнинг иш-билармонлиги, зийраклиги, изланувчанлиги туфайли 1964 йилда тугилган Бахтиёр Эралиев ва 1975 йилда тугилган Алишер Турсуновлар қўлга туширилди. Улар қилмишларига иқдор бўлдилар.

Яқинда участка вакилига Азиз деган шахс мурожаат этиб, номаълум шахслар зўрлик билан чарм куртқасини ечиб олганини айтиб қолди. Тезкор чора-тадбир орқали талончилар ушланди. Улар У. П. ва У. И. бўлиб чиқди.

1993 йилнинг 10 ойи мобайнида Илҳомжон ака Иброҳимовнинг ҳудудида содир этилган 46 жиноятдан фақат биттаси очилмаган, холос. Ўн биринчи ойда эса содир этилган 5 та жиноятнинг ҳаммасини очишга муваффақ бўлди.

Бу гиеҳандлик моддаларини сақлаш, безорилик ва номуста тажовуз қилиш каби жиноятлардир.

Яқинда “Минор”, “Марказ-4” маҳаллаларида оқсоқоллар кенгаши бўлиб ўтди. Унда маҳалла аҳли ишдан сўнг оқолиқлик посбонларига ёрдамга чиқишларини, шунингдек, машиналар билан таъминлашларини маълум қилдилар. Бундан участка вакилининг ҳам, бу ерга таклиф этилганларнинг ҳам бошлари осмонга етди. Чунки улар ҳамкорликда қилинган иш доимо ижобий натижа беришини яхши билишадди-да.

О. МАҲМАДУСОВ,  
милиция старшинаси.

## ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР МУҲОКАМАДА

Яқинда Чирчиқ шаҳри ҳокимиятининг мажлислар залида Ўзбекистон Респуб-ликаси халқ таълими, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари ва Республика прокуратураси иштирокида вояга етмаганлар орасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича педагогик, ҳуқуқий муаммолар мавзуида Республика семинар -кенгаши бўлиб ўтди.

Уни Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қисқача кириш нутқи билан очди.

Шундан сўнг халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й. Санджонов вояга етмаганлар орасида қонунбузарликнинг олдини олиш, Республика халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар, келгуси вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузанинг муҳокамасида Республика ички ишлар вазирлиги Жиноятнинг олдини олиш хизмати бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция полковниги И. Хилватов, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани халқ суди раиси Қ. Тошматов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳарбий хизматга қақирилувчи ёшлар бошқармасининг бошлиғи Ф. Ҳасанов, Республика прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат

қилиш бўлимининг бошлиғи О. Оқилов, Сирдарё вилояти Гу-листон шаҳри халқ таълими бўлимининг мудир Т. Қурбонов, Тошкент шаҳар прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи У. Жалолов, Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юртлари бошқармасининг тарбиявий ишлар бўйича бош мутахассиси, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 12-ўрта мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари М. Усмоновлар сўзга чиқиб, қонунбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда оила, маҳаллаларда ҳамкорлик ва кўпплаб бошқа мавзуларда гапирдилар.

Шунингдек, семинар-кенгашда айрим ўқитувчилар педагог деган улуғ номга доғ тушириб, ахлоқ нормаларига зид хатти-ҳаракатлар содир этаётганлари таъкидлаб ўтилди. Шунга кўра, ўқитувчилик одоби Кенгашлари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундан мақсад — Ўзбекистоннинг барча ўқитувчилари юксак ахлоқ-одобли, маданиятли, туриш-турмуши билан ўсмирларга эл-юрт ичида намуна бўлишларини таъминлашдир.

М. ТИЛЛАЕВ.

## ДУШАНБА

3 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Дайди тўтининг қайтиши, "Суварак". Мультфильмлар. 18.25 "Дўстлар диёри". "Ўзбектеелефильм премьераси". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Шеърят дақиқалари. Асқад Мухтор. "Умр". 19.35 "Хуқуқий давлат сари". Ўзбекистон Республикаси. "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг шарҳи. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Иқтисод сабоқлари". 21.15 Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров куйлайди. 22.05 "Тўғри сўзнинг тўқмоғи". Бадий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Дехқон ҳиммати". 19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 20.20 "Зудов, ишдан бўшатилдингиз". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

7.00, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 7.05 "Рухни чиниктириш". 8.05 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув. 8.50 Эрталабки гимнастика. 9.00 Автоспорт. "Юлдузлар пойгаси-94". Ижевскдан кўрсатилади. 9.25 "Муҳофаза ёрлиғи". 9.55 "Тиббиёт Сиз учун". 10.25 "Менинг орзуимдаги кўғирчоқ". Халқаро фестивал финали. 11.15 "Буюк воқелик кенгликлариди". 12.15 "Гол". 12.45 "Биллур бошмоқча". Телевизион танлов. Финал. 14.05 "Йўқ бўлиб кетган дунёга қайтиш". Телевизион бадий фильм премьераси. А.Конан-Дойль асари асосида. 1-серия (Буюк Британия). 15.00 Янгилар. 15.25 "Йўқ бўлиб кетган дунёга қайтиш". Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 16.00 "Бир боқишда муҳаббат". Кичкинтойлар учун. 16.50 "Қурол-аслаҳа палатасида бир соат". Телефильм премьераси. 17.55 "Останкино" телеканалда биринчи марта. "Виват, гардемариновлар!" Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар ("Мосфильм" киностудияси). 20.30 "Саховат юлдузлари". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Кулги денгизи-93". Сатира ва юмор фестивали. 22.25 "Спорт уик-энди". 22.40 "Матбуот-экспресс". 00.10 Б. Моисеев шуоси. (Танаффус пайтида — 00.50 Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 01.00 — Янгилар).

"ДУБЛЬ IV"

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.25 Мультфильм. 8.35 "Рост" студияси. 8.50 "Сиз яратган бог". 9.20 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 10.05 Кипрас Мажейка. Аргентинадан репортажлар. 10.35 "Ҳали англамаган кинот". 11.05 "Ати-бати...". 11.35 "Здоровье". 12.05 Маза, таътиллари. "Чангалзорлар сири". Бадий фильм. 3-серия. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 15.05 "Ҳамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия. 16.05 "Қутқариш хизмати 911". 17.00 Россия телевизион театри. М.Булгаков. "Чичиковнинг саргузашти" (премьера).

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.00 "Ёш Россия". Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. Режиссёр И.Шахман. 20.55 "Абракадабра". 21.00 Душанба кунини детектив. "Гўшти таом". Бадий фильм "Эркулъ Пуаро" сериалидан.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Телекранда — премьераси. "VIP" (Жуда гердайдан шахс). Бадий фильм. (Польша — Франция — Бельгия). 00.20

# ЗАНГОРИ ЭКРАНАДА

"Ностальжи" — барча авлодлар мусиқаси. 00.55 Спорт кўрсатуви. 01.00 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида". 01.30 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: "Сариқ сувости кемаси" клуби.

## СЕШАНБА

4 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I

7.00-9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 "Кичкинтой" студияси. "Кўғирчоқлар — менинг дўстларим". Республика кўғирчоқ театрида Арча байрами.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Кувноқлар даврасида". 18.40 "Наққош". Телефильм. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Гўзалликка интилган умр". Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев таваллудининг 75 йиллиги. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Тадбиркорлиқни ривожлантириш муаммолари". Бевосита мулоқот. 22.00 "Истеъдод". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхтасинов. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Инсон ва табиат". Кинопрограмма. "ОМАН" таништиради. 20.00 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

**"ОРБИТА IV"**  
5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Домисолька"нинг туғилган кунини. 11.20 Болалар учун фильм. "Капитан". 11.50 Мультфильм. 12.00 Янгилар. 12.20 С.Прокофьевнинг "Биллур бошмоқча" балети. Москва классик балет театрининг спектакли (премьера). 14.20 Мультфильм. 14.40 "Россия юлдузлари. Таня Остригина". Ҳужжатли фильм премьераси. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Тадбиркор". 16.15 "Тедди Раксининг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.10 "Ўтган замонларда...". Евпаторий болалар театр марказининг спектакли. 17.50 "Мулкдор алифбоси". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 В.Козин. "Олис сафарга узоқ йилларга". 18.55 "Ҳужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Мавзу". 20.35 "Саховат юлдузлари". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Миниатюра". 21.45 "Браво-93". 23.00 "Шеърят альбому". 23.20 "Уста". Телефильм.

Тунги эрмаклар. 23.35 Теледартс ўйини. "Калифорния қазановаси". Бадий фильм премьераси (АҚШ). (Танаффус пайтида 00.50 — Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 01.00 — Янгилар).

"ДУБЛЬ IV"

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Мунажжим". 9.25 П.Деметрининг "Лўлилар чодирасида".

12.00 Кундузги сеанс. "Эртақ саёхатлари". Бадий фильм. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала".

14.05 "Телегазета". 14.15 "Аниматика". 15.00 "Ҳамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия. 15.55 "Маърифат медалари". 16.35 Болалар учун янгилар. 16.50 "Рост" студияси. 17.20 "Параллеллар". 17.35 "Стремяннойдаги уйда". 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—19.50  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
19.50 Дмитрий Покровский афсонаси. 20.35 "Келинг, аниқлаб олайлик". 20.50 "Январь ойи кинеси". 21.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 263-серия.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Янги чизик". "Николай Кузнецов. Афсона давом этади...". 23.10 Катталар учун мультфильм. 23.25 "Миккелида мусиқий фестивал". 4-кўрсатув. 23.55 "Жентельмен-шоу". 00.25 Джаз мусиқий концерти.

## ЧОРШАНБА 5 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I  
7.00-9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 Республика газеталарининг шарҳи. 9.40 "Шахризаданинг янги эртаги". Бадий фильм. 1-серия. 10.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.00 Тазквондо бўйича Ўзбекистон кубоги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ишбилармон". 18.45 "Ўзбекистонда куз". "Ўзбектеелефильм" премьераси. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди. 20.00 "Осийштакли посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Барҳаёт наволар". Академик Юнус Ражабий. 22.00 "Ёш аёл чун эркак". Бадий фильм. 23.5 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ватаним меним...". Адабий композиция. 19.50 "Изланиш ва натижалар". 20.30 "Полон ва қизикчи". Бадий фильм.

**"ОРБИТА IV"**  
5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳакка". Болалар учун ахборот кўрсатуви. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Саёхатчилар клуби". 11.20 "Митти юлдузлар". Эстрада кўшиқлари ёш ижрочилари Бутунроссия фестивалининг ақунловчи концерти. 11.50 Мультфильм. 12.00 Янгилар.

Ўқувчиларнинг таътил кунларида  
12.20 Болалар учун фильм. "Питер Пэн". 1-серия. 13.30 "Жониворлар цирки". 14.15 Мультфильм. 14.25 "Брейн-ринг". Ўсмирлар турнири.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25

"Тадбиркор". 16.15 XVI болалар халқаро кинофестивали. 16.35 "Иқболи кулганда". 17.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультфильм премьераси. 26-серия. 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.50 "Ҳужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Кремль деворлари ортида". 20.30 "Саховат юлдузлари". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Осиё овози". Оммабон куй ва кўшиқлар IV халқаро танлови. Алматидан кўрсатилади. 22.40 "Матонат. Ангелина Степанова". В.Вульф ҳикоя қилади. 23.30 "Авлод-93". 1993 йил видеофильмларининг фестивали. 00.30 "Эльдорадо". 01.00 Янгилар. 01.35 Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 01.45 "MTV".

"ДУБЛЬ IV"

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Хайрли тонг! "Чемпионлар учун нонушта". 9.30 Параллеллар. "Петербург мазахўраги". 9.45 "Здоровье". 10.15 "Оқ қарға". 11.00 Россия телевизион театри. А.Платонов. "Катлован". 13.00 "Рост" студияси. "Соник-супер-ежик". 13.15 "Мансаб алифбоси". 13.30 Мультфильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Янги чизик. "Узоқ Шарқ". 14.50 "Ҳамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10-серия. 15.45 Мультфильм. 15.50 Маза, таътиллари. "Қирол Дроздовик". Бадий фильм. 17.05 Болалар учун янгиларлари. 17.20 "Телегазета". 17.25 "Жарангдор овозлар". Концерт.

18.00—20.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.05 "Тинчлик ва уруш". 20.35 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 264-серия. 21.05 "Шаҳарча". 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Кутиш зали". 23.20 Криминал хабарлар экрани. 23.30 "Тўлиқ ой".

## ПАЙШАНБА 6 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I  
7.00-9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 "Шахризаданинг янги эртаги". Бадий фильм. 2-серия. 10.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Республика ўқувчилар саройининг "Ғунча" вокал-чолгу ансамбли куйлайди. 18.35 "Мусаввир". Телефильм. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Фармон ва ижро". 19.50 "Шайхзода". "Ўзбектеелефильм" премьераси. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Иқтисод сабоқлари". 21.15 "Аёл билан мунавав олам...". 22.15 "Оқ ажал". Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Рақслар, рақслар...". 20.50 "Пульс". Хабарлар.

"ОМАН" таништиради. 21.05 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

**"ОРБИТА IV"**  
5.55, 15.20, 21.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильм. 9.45

"Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.35 Г.Венянский. Скрипка ва оркестр учун 1-концерт. 11.20 "Алиса". Болалар ва катталар учун Рождество эртаги. 12.00 Янгилар.

Ўқувчилар таътил кунларида  
12.20 Болалар учун фильм. "Питер Пэн". 2-серия. 13.30 "Шаҳримиз — Смехоград деб аталади". 14.00 Мультфильмлар. 14.25 "Брейн-ринг". Ўсмирлар турнири.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Тадбиркор". 16.15 "Янги номлар". Байрам кўрсатуви. 17.15 "Кешка ва бизнес". Қисқа метражли телевизион бадий фильм премьераси. 17.30 "Мулкдор алифбоси". 17.40 "...16 ёшгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.50 "Ҳужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50

"Кинопанорама". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19-серия. 22.25 "Саховат юлдузлари". 22.30 Духовной мусиқа концерти. 23.00 Янгилар. 23.40 Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 24.00 Насронийлар Рождествоси.

"ДУБЛЬ IV"

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Кутиш зали". 10.00 Мультфильм. 10.20 "Рождество байрами". 11.05 Оддий кунлар.

11.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 263-264-сериялар. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Янги чизик. "Нижнийдан кўз ташланганда". 14.40 Россия телевидениесининг сара асарлари. Б. Аҳмадуллина "Арт-обстрел" программасида. 15.35 "Ҳамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 11-серия. 16.35 Болалар учун янгиларлари. 16.50 "Рост" студияси. 17.20 "Телегазета". 17.25 "Мусиқа йирик планда".

18.00 — 20.15  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
20.15 "Мен — йўлбошчиман". 20.35 "Ҳечким унутилмаган". 20.40 "Бўйсунмас купина". 21.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 265-серия.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Чўққига чиқиш". Ҳужжатли фильм премьераси. 23.25 П. И. Чайковский романслари. 23.55 "Кувноқ экипаж".

## ЖУМА 7 ЯНВАРЬ

ЎзТВ I  
7.00 — 9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 Болалар учун театр. "Хўжа Насриддиннинг 41-пашшаси". 10.20 "Уорлдент" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Сенинг замондошинг". 18.45 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Чуст жилолари". Телефильм. 19.40 Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Шукрулло. "Кафансиз кўмилганлар". 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мардлар қўриқлайди Ватанин". Мусиқий кўрсатув. 22.00 "Чинор тағиди дуэль". Бадий фильм.

тартиби.

## ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 "Шунчаки саргузашт". 19.50 "Довон". Катталар учун мультфильм. 20.20 "Дала ҳовли эгалари учун". 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ўзалим менинг". Бадий фильм. 1-серия.

## "ОРБИТА IV"

8.25, 15.30, 21.20, 00.55 — Кўрсатувлар тартиби. 8.30 Янгилар. 9.05 Эрталабки гимнастика. 9.15 Н. Римский-Корсаков. "Гомер" асаридан прелюдиякантата. 9.30 Мультфильмлар. 9.55 "Қувноқ камбағаллар". 10.35 "Ико — довюррак тулпорча". Мультфильм премьераси (Аргентина). 11.55 "Веди". 12.35 "Хайвонот оламида". 13.15 "Эртақдаги эртақлар". Мультфильм. 13.40 "Брейн-ринг". Ўсмирлар турнири. 14.10 "Сизга аталган учрашувлар". 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Исмингиз нима маънони англатади". Маърифий дам олиш кўрсатуви. 16.40 "Рождество юлдузи". Мусикий-шеърли фантазия. 7.10 Ойла даврасида. "Ы операцияси ва Шурикиннинг бошқа саргузаштлари". Бадий фильм. 19.05 "Америка М. Таратута билан". 19.35 Мўъжизалар майдони. 20.30 Саховат юлдузлари. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Грэмми воқеаси". 21.55 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20-серия. 22.50 "Хафтанинг машхур киши". 23.05 1993 йил ғолибларига "Шон-шухрат" мукофотининг топширилиши. 23.35 "Аншлаг, Аншлаг". 01.00 Янгилар. 01.35 "Грэмми-93". Мусикий мукофотларни топшириш маросими.

## "ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 "Насронийлар Рождествоси". Хужжатли фильм. 8.50 "Эртақ-эртақ ўйнаймиз". 9.10 Видеошеърлият. Анна Ахматова. 9.25 "Маза, таътилар". "Телба Лори". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.25 "Рост" студияси. 11.55 Телеэкранда премьераси. "Болалар". Бадий фильм. 13.20 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.40 "Хамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 12-серия. 14.35 Маринск театрида премьераси. Н. А. Римский-Корсаков. "Садко". Танафус пайтида — Мультфильм. 17.05 Жума кунлари Дисней. "Зеби-зийнат ортидан қувиб". Бадий фильм. 1-серия.

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.50 Киномарафон. "Зиёфат". Бадий фильм.

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 Кечки салон. 00.10 "Қорли шоу". Дам олиш кўрсатуви. 00.35 "Мусиқа йирик планда". 01.10 Стас Намин маркази (Эс-ЭН-Си) таништирадиган "Сариқ сувости кемаси" клуби.

ШАНБА  
8 ЯНВАРЬ

## ЎзТВ I

7.00 — 9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 Республика газеталарининг шарҳи. 9.40 "Уран сайёрасининг йўлдоши". Бадий фильм. 11.15 "Алифбо сабоқлари". 11.45 "Эл аро машхур аёллар". Зебо Фаниева номидаги ансамбль. 12.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўзалим гулшани". 18.30 "Фан уфқлари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 "Истиқболли ҳамкорлик сари". 19.40 Кинолава. 19.45 Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотида номзодлар. Камол Эраслан, Аҳсан Ботур, Натан Маллаев. 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Эстрада кўшиқлари. 21.35

"Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Замира Хидоятова. 22.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

## ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Тюленлар". Телефильм. 19.55 "Қўшиқларим сизга". Анжелла Пўлатова куйлайди. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ўзалим менинг". Бадий фильм. 2-серия.

## "ОРБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Мультфильм. 7.10 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15" таништирадиган. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 Кремлда Рождество зиёфати. 11.45 Мусикий-ахборот кўрсатуви. 12.10 "Лаззат". 12.25 Халқ куйларидан концерт. 12.40 "Даврани кенгроқ олин". Янги йил кўрсатуви. 14.25 "Брейн-ринг". Ўсмирлар турнири. 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи Узунпайпоқ". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 16-серия. 3-кисм. 15.55 "Хаёт ва сиёсат". Япония А. Колошин билан. 16.25 "Ультраси". Спорт кўрсатуви. Фигуралар учини. Россия чемпионати. 17.15 "Рус киши" фестивали концертларида. Гала-концерт. 18.15 "Хафтанинг акс-садоси". 18.45 "Бахт кулиб боқанда". 19.45 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Черри Стритдаги шартнома". Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.30 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Тақдир ҳазиллари". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 22.40 Рождество учрашувлари. 01.00 Янгилар. 01.35 Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 01.45 "Роман-муҳаббат". Р. Виктук.

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Фольклор. "Рождество лапарлари". 8.55 А. Солодовников шеърлари. 9.25 "Хали англамаган коинот". 9.55 "Рост" студияси. 10.25 "Пилигрим". Россия савҳатлар бюроси. 11.15 "Чегарасиз футбол". 12.10 "Хамла". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 13-серия.

## "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.20 "Мозийдан ёғдулар". 13.50 "Рангинкамон" (тожик тилида). 14.35 "Бизнен мирас" (татар тилида). 15.10 "Бу ажиб дунё".

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.20 Киномарафон. "Қўқига чиқиш". Бадий фильм. 17.30 "Квадрат остидаги чақа тангалар".

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
19.40 Телеэкранда — премьераси. "Қассос". Бадий фильм (АҚШ).

## ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Катта шаҳар чироқлари". Бадий фильм. 00.05 Фильм-премьер. 00.20 "Кинотавр"да Рождество кечаси.

ЯКШАНБА  
9 ЯНВАРЬ

## ЎзТВ I

7.00 — 9.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 "Маҳобҳорат". Кўп серияли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 48-49 сериялар. 11.00 "Қизил Яримойи шўъласи". 11.40 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар". 12.25 "Болалар меҳмонхонаси". 12.55 "Қишлоқ ҳаёти". Публицистик мусикий кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Тон!". 19.00 "Хафтанома" (рус тилида). 19.30 "Ойнаи жаҳонда". 19.50 "Гуллар юртининг дурдоналари".

Телефильм. 20.00 Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотида номзодлар. Барот Бойқобилов. "Навийнома" чор китоби.

20.30 "Хафтанома". 21.10 "Истиқлол айёми". Ўзбектеlevision премьераси. 22.10 "Мусикий чойхона". 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

## ЎзТВ II

"ОМАН" таништирадиган: 17.00 "Мультфейерверк". 17.45 "Курьер". 18.00 "Юлдузли осмон". 18.20 "Ҳар соҳадан бир шингил". 18.30 Болалар учун. "Совға". 18.55 "4/8". Мусикий йўлка. 19.10 "Даракчи". 19.20 Эълонлар. 19.25 "Ведео-0". 21.25 "Курьер". 21.40 "Юлдузлар жилоси". 22.05 "Даракчи". 22.15 Эълонлар. 22.20 "Видео-0".

## "ОРБИТА IV"

6.40, 15.15, 22.45 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Рухни чиқариш". 7.55 Янгилар. 8.30 Мусикий кўрсатуви. 9.00 "Осуда пайт". 9.30 "Эрта саҳарлаб". 10.00 "Полигон". 10.30 Спортлото тиражи. 10.45 "Ҳамма уйдалигида". 11.15 "Тонг юлдузи". 12.05 Янги авлод ... "Муваффиқият". 12.45 "Пи" белгиси билан. 13.30 "Вилоят".

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништирадиган: 14.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

15.00 Янгилар. 15.20 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 16.00 "Саёҳатчилар клуби". 16.50 "Хунари хор бўлмади". 16.55 Мультфильмлар премьераси: "Феликс лақабли мушук", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 17.50 "Панорама": Ҳафалик халқаро кўрсатуви. 18.30 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.45 Кулги панорамаси. Кўрсатуви Россия халқ артисти Е. Петросян олиб боради. 19.30 "Авто-шоу". 19.40 Мультфильм.

Якшанба кинопрограммаси  
20.00 "Киноафиша". 20.25 "Останкино" телеканалида биринчи марта. "Парвоздаги голландиялик". Бадий фильм ("Фора-фильм" ва "Ялта-фильм" киностудиялари).

22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 22.50 "Маринскда променада". 23.40 Катталар учун мультфильм. 23.50 Охирги киносеанс. "Декалог-Х". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 00.50 Авторалли. Париж — Дакар — Париж. 01.00 Янгилар.

## "ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Хайрли тонг!". 8.55 "Параджанов: Мен буюк фильмни суварта олаётман". 9.25 Катта хоккей. 9.55 Россия қобусномаси. 10.25 "Россияни қандай эпақага келтириш мумкин?".

## 11.10 — 14.15 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.10 "Жаҳон бир ҳафта ичида". 11.35 "Дунё эшиги". 12.15 "Сени эслаб тураман". Мусавир Ш. Абдурашидов хотрасига. 13.00 "Чинсэн" (корейс тилида). 13.40 "Мен хорижда таҳсил олаётман". 14.00 "Бу ажиб дунё".

## РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.15 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 15.20 "Хайвонот оламида". 16.20 Диснейнинг сеҳрли олами. "Гуффи ва унинг командаси". "Қора плаш". 17.15 "Севги маъбудалари". Катрин Денев. 17.55 Телефильм. 18.25 Киномарафон. "Манон-70". Бадий фильм.

## 20.15 — 22.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Киномарафон. "Унутилган авлодлар сояси". Бадий фильм. 00.15 "К-2" таништирадиган: "Бўса".

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан)

## Шу сонга хабар

ЎТАЁТГАН ЙИЛНИНГ  
СЎНГГИ КУНЛАРИ

анироғи, 29 декабрь куни Тошкент вилояти Янгийўл тумани Янги ҳаёт жамоа ҳужалигидаги Свердлов қишлоғида истиқомат қилувчи Холдоровлар хонадонига катта бахтсизлик олиб келди.

Янги йил арафасида бундай хабарни чоп этмаслигимиз мумкин эди. Аммо мажбуримиз, чунки бу ҳодиса ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи керак.

"Постда" газетаси орқали болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, дея минг бора чиқиш қилгандирмиз. Бунинг орқасидан содир бўлган кўнгилсиз ҳодисалар ҳақида унлаб мақолалар чоп этганмиз! Аммо Холдоровлар хонадонига юз берган воқеа бизни яна шу мавзуга қайтишимизга мажбур қилди.

Бундан бир кун олдин тўрт ва икки яшар болаларни уйда ёлғиз қолдириб кетган онанзор қайтиб келганида уи абгор ҳолатда, икки дилбанди эса боқий дунёда эдилар. Ёлғиз қолган болалар гўгүрт ўйнашган, кичиккина чўлдан повиллаган олов ўз йўлини топиб, алангага айланган ва норасидаларни қомита тортган...

Келинг, очикчасига фикр юритайлик. Оддий кунларда содир бўлган ўлимларга чидаш мумкин, чунки ўлим ҳақ дейдилар. Бора-бора ҳаммасига кўникиш, сал баргитроқроқ бўлса, унуттишимиз мумкин. Бироқ йилнинг қадрили бир кунда, юқоридаги воқеа каби янги йил арафасида дилбандингиз ўзинингизнинг хатоингиз билан бағрингиздан юлинса, бунга чидаб бўладими?

Бундан кейин сизга қанча умр берилган бўлса, шунча йил азоб чекасиз. Чунки ҳар янги йил келди дегунча...

Азиз юртдошлар ҳулоса сифатида ўзимизнинг эски мақолимизни яна бир марта эслатмоқчиман: "Сув балосидан, тухмат балосидан, ўт балосидан ўзи асрасин!"

Равшан ЖўРАЕВ,  
Ўзбекистон ИИБ ЁСБ катта муҳандиси,  
ички хизмат катта лейтенанти.

## САДОҚАТ

Кексаларнинг ҳолидан доимо хабар олиб туриш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлларини ўрганиш ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, уларнинг сермашаққат ҳаёт йўллари ҳаёт оstonасига илк қадам қўяётганлар учун ўрнак бўлмоғи керак.

1942-1982 йилларда бутун умрини (40 йил) ички ишлар идораларида ўтказган, жиноятчилик билан курашга бахшида этган, садақатли инсон собиқ милиция полковниги Баҳром ака Мирзохидовнинг ҳаёт йўли бўлажак изқуварлар учун тарбия мактабини ўташи шубҳасиздир.

Баҳром ака Мирзохидов яқинда 70 ёшга тўлади. 70 йиллик умр... Айтишгагина осон бу. Бу сўзнинг замирида қанчадан- қанча қувончу ташвишлар яширин...

Баҳром Мирзохидов 1924 йил Тошкентнинг "Тулистон" маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топди. 30-йиллар фарзанди. Бинобарин, у болалигиданоқ ўша даврнинг қийинчиликларини ҳўп тортиди. Очарчилигу қаҳатчиликлари бошидан кечирди.

1941 йил... Аждарҳодай даҳшатли уруш бошланди. Гитлерчи-фашистар мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирди, осовишталikka путур етди. Гулдай йигитларнинг орзу-мақсадлари чилпарчин бўлди, оналар ҳам фарзандлар ҳам чииркираб қолдилар. Лаънати уруш...

Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўспириннинг не-не ораулари бор эди. Унинг ўқиши чала қолди. Ҳамма йигитлар қатори 18 ёшли Баҳром ҳам Ватан ҳимоясига — фронтга отланди. Баҳром аввалига Волхов фронтда, кейинчалик Украина ва Белоруссия фронтларида душманга қарши шиддатли жангларда қатнашди. Оғир жангларда икки марта яраланди. Шунга қарамасдан у жанг майдонини тарк этмади.

Уруш галаба билан тугади. Баҳром Мирзохидов эса дарров уйига қайтмади. Бир йилга яқин Польшанинг Краков деган шаҳрида мудофаада бўлди. Ундан сўнг эса Украина ва Грознийда ички душманларга қарши курашда қатнашди. Ва ниҳоят, 1949 йилдагина она шаҳри — Тошкентга қайтиб келди.

Бу пайтларда мамлакатда урушдан кейинги тикланиш даври кетарди. Уруш машаққатлари Баҳром Мирзохидовнинг қалбига юрт осовишталига раҳна солувчиларга, бузғунчиларга нисбатан қучли нафрат уйғотди. Шу сабабли у кейинги бутун ҳаётини жиноятчиликка қарши курашда деб билди. У Ички ишлар вазирлигининг кадрлар бўлимида иш бошлади.

1953 йилда эса Тошкент ҳукукушунослик институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди, бир вақтнинг ўзида ҳам ишлади, ҳам ўқиди. Йиллар ўтган сари у тажриба орттирди, лавозими, унвони ўсиб борди. Баҳром Мирзохидов кичик лейтенантликдан милиция полковнигигача бўлган оғир ва шарафли йўлни босиб ўтди. У вазирликда қандай шароитда, қайси лавозимда ишласин қасбга фидойиликни, жасурликни, садақатлиликни ўзига шior деб биларди. Бу тушунчалар Б. Мирзохидовга хос фазилатлар эди. Ҳукуматимиз садақатли инсоннинг меҳнатини муносиб тақдирлади. У бир қанча орден ва медаллар соҳиби. Қасбдошлари Б. Мирзохидовни 1982 йилда иззат-икром билан нафақага кузатиб қўйишди.

... Мана шунга 10 йилдан ошибди. Эндилкида изқуварнинг шогирдлари унинг ишини давом эттираётirlар. Унинг шогирдлари талайгина: милиция полковниги Т. Сайфуддинов, милиция подполковниги Х. Самархўжаевлар



шулар жумласидандир. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган Баҳром Мирзохидов фарзандлари ва неваралари енида.

Б. Мирзохидов, айниқса, юртимизда жиноятчиликнинг пайини қирқишда жонбозлик кўрсатганлардан. Изқувар сифатида не-не жиноятларни очмади, қанақани жиноятчиларга дуч келмади дейсиз?

Б. Мирзохидов ўша йилларни эслар экан, бизга ўзи бевосита қўлга туширган ашаддий фирибгар Мукашев воқеасини ҳикоя қилиб берди.

— 1957 йил эди ўшанда, — деб хотирлайди собиқ милиция полковниги, — 550 минг сўмлик микдордаги молни сохта хужжат орқали гўмдон қилган ашаддий фирибгар Мукашев қидирилмоқда эди. Уни қидириш Бутуниттфоқ миқёсида олиб борилаётганди. Жиноятчининг сурати ҳамма ИИБга юборилган, газеталарга эълон берилганди. Бир кун жиноятчининг Жамбул шаҳрида яшириниб юргани ҳақида хабар келди. Зудлик билан ўшаёққа етиб бордим. Жиноятчи шаҳардаги уйларнинг бирда яшаб юрган экан. Тинтув ўтказганимизда ундан 100 га яқин қорхона ва ташкилотларнинг штамп муҳрлари топилиди. Фирибгарнинг, Мукашевдан ташқари Иванов, Баховидинов деган фамилиялари ҳам бор экан. У одамларга сохта хужжатлар қилиб бериб тирикчилигини ўтказиб юрган.

Ҳа, изқувар ҳаётида бунақанги воқеалар сон-саноксиз. Қай бирини айтсин. Биз учун энг муҳими бир инсоннинг қасбга фидойилиги, садақатлигида. Агар қаҳрамонимизда шу фазилатлар бўлмаганида 40 йиллик умрини ички ишлар соҳасига бахшида эта олармиди?

Биз савоб ишта қўл уриб янги йил арафасида Б. Мирзохидовнинг хонадонига йўқлаб бордик. Ташрифдан собиқ милиция полковнигининг боши осмонга етди. Биз 70 ёшга қаршилаётган чинакам садақатли инсонни янги йил билан табриклаб, фарзандлари бахтига омон бўлишини, юз ёшга қирқинчи тилаб, у кишининг дуосини олиб қайтдик. Чунки, кексалар ҳолидан хабар олиб туриш йўлимизни ерут этмай.

Зокиржон ШАРИФ.

Декабрь ойининг сўнгги кунлари. Барча жойда байрамона рух, одамларда эса байрамона кайфият. Кимдир кириб келаётган Янги йилни ким билан, қаерда, қандай кутиб олишни режалаштирган, яна биров рўзгор ва байрам дастурхонининг кам-кўстини тўғрилаш билан овора. Фақатгина гам-ташвиш нелигини билмайдиган, бегубор болаликнинг ширин дамларини кечириётган болаларгина ҳеч қандай юмушга, куйинишга эҳтиёж сезмайдилар. Янги йил кечасини, Қорбобо ва Қорқизни соғинган болакайларнинг қувончи чексиз. Уларнинг шодлиги, хурсандчилиги бутун оламга татийди.

Ишхона ва рўзгор юмушларидан биров толиққан Аҳмаджон кечқурун овқатланиб бўлгач, эрта этиб, эрта туриш мақсадида хонасига чиқиб кетди. Хотинига баъзи гапларни тайинлаб, иссиққина ўринга чўзилди-да, хаёлга чўмиб эртанги кун ишларини хаёлидан бир-бир ўтказди. "Эртага 31 декабрь. Уни... Бун... Бориш... Келиш... Кутиш... Эҳ-хе, ҳаммасига улгуриши керак".

Шундайин хаёллар огушида қолган Аҳмаджон тезда ухлаб қолди. Чарчоқ ўз таъсирини кўрсатган эди.

Тун. Ташқарида совуқ шамол елади. Вақт алламҳал. Деярли ҳамма ширин уйкуда.

Одатда ҳеч ким бемақсад кўчага чиқмайди. Айниқса, бемаҳалда. Кўчада кезиб юрган уч

нотаниш кимса бир хонадоннинг дарвозахонаси тўғрисида келиб тўхтаб қолишди.

— Адашмадикми? Вали кўрсатган уй шумиди? — деб шивирлади улардан бири.

— Ҳа, худди ўша, — дея жавоб берди шериги.

Улар тезда юзларига ниқоб кийишди-да, бир зумда девордан ошиб ўтишди.

Устига епилган кўрпанинг тўсатдан зарб билан тортилишидан чўчиб уйғонган Аҳмаджон тепасида турган ниқобли кимсаларни кўриб тош

калтак зарбидан ҳолсизланган Аҳмаджонни ўз ҳолига ташлашиб, кўшни хонага ўтаётганларида, эшик ёнида Мукаррам опага дуч келишди. Улар жабрланувчининг онасини ҳам аяб ўтиришмади. Унинг биқинига пичоқ тирашиб, кўзи, оғзи ва қўлларини боғлаб, юзига газ баллончадан суюқлик сепишди. Мукаррам опа ҳушидан кетгандек бўлиб, бўшашиб ўтириб қолди.

Шовкин-сурондан уйғониб кетган, хонадон соҳиби Тўхтаҳўжа Тошхўжаев ҳам хонасидан чиққиса улгуролмади.

яроқсиз ҳолга келтирди.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Чинобод кишлоғи, А. Набиев кўча, 57-уйда содир этилган ушбу жиноятдан хабар топган туман ИИБ ходимлари зудлик билан қидирув ишларини бошлаб юборишди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида кўп ўтмай жиноятчилар қўлга олинди.

Шу йилнинг 7 апрелида Тошкент вилояти, Қибрай тумани халқ судининг очик суд мажлисида жиноятчиларнинг жиноий иши кўриб чиқилди ва

Абдуқодиоровнинг судланишлари билмаганларни ажаблантирди, билганларни эса газаблантирди. Аслида воқеа бундай бўлганди. Валижон поччасининг ўз опасини калтаклаганини эшитиб қолади. Шундан сўнг поччасининг таъзирини бериб қўйишни ҳамтовоқларидан илтимос қилади. Ҳамтовоқлари рози бўлишгач, поччасининг ҳовлисини кўрсатиб қўяди. Кўп ўтмай Валижоннинг дўстлари унинг илтимосини керагидан ортиқ қилиб бажаришади.

Суд ўзи қатнашмаса-да, одам ёллаб жиноий ишга қўл урган Валижон Абдуқодиоровни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 170-моддасига биноан 3 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК 40- моддасига асосан судланувчи Маҳмуда Сапарматова 2 йил ахлоқ тузатиш ишига жалб этилиб, ҳар ойда маошидан 15 фоизи давлат фойдасига ундириб олинадиган бўлди.

Маҳмуданинг айби шуки, у укасининг гаразли мақсадидан вокиф бўлса-да, уни жиноий йўлдан қайтариш ўрнига, билганларининг қилинган, дея жимгина "меҳмон"ларнинг келишини кутиб юраверган. Охир-оқибат жиноят содир этилди.

Шунга айтсалар керак: ўзингдан чиққан балоба, қайга борурсан давога деб.

АЛИЖОН АБДУРАҲМОНОВ.

## "ЭРТАГА 31 ДЕКАБРЬ.."

қотди. Даг-даг қалтираётган Аҳмаджон зўрга тилга кирди.

— Кимсизлар? Нима керак? Нима истайсизлар?

— Жим бўл, зўравон. Сенга зўравонликдан дарс бергани келдик, — деди ниқоблилардан бири тутоқиб, — мана ол... э, сани...

Ниқобли кимсалар Аҳмаджоннинг дуч келган жойига мушглаб, тепа бошлади. Улар Аҳмаджоннинг ялиниб-ёлворишларига қарамай унинг қўл-оёғини боғлаб, аёвсиз обдон савалашди. Босқинчилар

Хонага "ташриф буюрган" ниқобли кимсалар унинг кўксига пичоқ тираб, куч ишлатиб, пул ва тилла буюмларни топиб беришни талаб қилдилар. Шу вақтда хонага гандираклаб кириб келган М. Бегматова, сенларга нима керак, дея кўрпа тагидан 5200 сўм пулни олиб сочиб юборди. Пулни тезда териб олган босқинчилар кўшнларнинг уйғонганини сезишди, эшик қолиб деразадан чиқиб кетишди. Тунги "меҳмонлардан" бири ҳовлида турган автоуловнинг орқа гилдирагига пичоқ уриб, уни

уларнинг устидан ҳукм ўқилди.

Судланувчи Расулов Абдуманноп 1972 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 7 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Абдуманнопнинг жиноий шериклари бўлмиш Абдугани Расулов ва Эркин Умаралиевлар ҳам қилмишларига яраша жазоландилар. Аммо жабрланувчи Аҳмаджон Сапарматовнинг хотини Маҳмуда Сапарматова ва қайниси Валижон

Ҳайдовчи бўйнига урилган қаттиқ санчикдан сапчиб тушди ва машинага жон ҳолатда тормоз берди. Ногоҳ зарбадан гангиб эс-ҳушини йўқотганди у. Қўрқувдан бақирини ҳам унутиб қўйганди. Жабрланувчининг лабидан "помогите" сўзи узук-юлук латтадек титилиб чиқарди.

Машина ичкарасидан кимдир биғиллаб бақирди: "Тепасида қўзғундай айланаверасанми?" Қотил жонланди, оёғи остида ихраниб ётган ҳайдовчининг қорин, кўкрагига аёвсиз тиг санчди. Ҳайдовчининг қони кўлмак ҳосил қилди. Қонли халқобга кўзи тушган қотил қўлидаги пичоқни ташлаб машинага ўзини урди. Машина жойидан енгил кўзғалиб, зовур ёқалаб Муборак туманидаги 7-давлат хўжалиги кўрғоғига элтувчи йўлдан шамолдай олиб кетди.

— Сени Гўрўғли деб юрсам, юмронқозикдай сал насага пирлаб қоларкансан-ку, — илмоқли гап ташлади рулдаги Қўзиқулов. — Вой, Ҳазрат-ей, шу юрак билан яна овга чиқиб юрибсан-а.

— Биринчиси-да бу, ҳали "опит" йўқ, — каловланди Ҳазрат. — Ҳали кўрасиз, нечтасини гумдон қилишимни.

— Пичрқни ташлаб чакки қилдинг, — биров хавотир аралаш сўз қотди Қўзиқулов. — Тап-тайёр ашё-да.

— Узингиз ҳам дарё кўрмай этик ечаркансиз-да, — ўзини мажбурлаб жимлайди Ҳазрат. — Бу ерга бировнинг ити адашибдимики, қадам босса. Лекин устидан бензин қуйиб ёқиб юборганимизда бинойидек бўларди.

— Шундай-куя, аввали қўзғунлардан ортмайди. — Қўзиқулов бошини бир юқорига кўтариб, машинага ўт берди.

— Шошманг, машинани тўхтатинг, — илтижоли буюрди Ҳазрат, — шу ерда ювиниб олайлик, бу туришда қишлоққа борсак бўлмас.

Қўзиқулов машинага тормоз берди. Улар ариқ сувида кийимларига ўрнашган қон доғларини эринмай ювиб, шубҳага ўрин қолмагач, яна йўлга тушишди.

Машина аҳоли яшайдиган кўрғонга етиб келгач, паноҳ қидиришга тушдилар. Тўғридаги ҳовлига яқинлашгач, машинадан тушган Ҳазрат ичкарига кирди. Уй эгасига "Ака, машинамни сизникида қолдирсам", деб илтимос қилди. Уй соҳиби яқинлашиб келиб:

— Нима бўлди? — деб сўради ундан.

## Хатарли хилватгоҳ

— Бензин тугаб қолганди, — талмовсираб жавоб берди Ҳазрат. — Топиб беришим мумкин.

Ҳазрат хижолат бўлди. Нима деб баҳона топса бўлади? Таваккал қилиб:

— Ака, тўғриси, машинам билан бир болани уриб юбордим. Қариндошлари мени уришмоқчи бўлганда аранг ўзимни олиб қочдим. Ёрдам беринг, эртагача машинам шу ерда турсин, — илтижоли ёлворди у.

Уй соҳиби унинг гапига лаққа тушди. Фалокат-да дея, у ҳовли дарвозасини итариб очишга уринди. Ҳазрат қўли билан Қўзиқуловга имлаб, машинани ичкарига олишини тушунтирди. Улар сувдан қуруқ чиққанларидан хушнуд бўлиб, Ҳазратникига жўнашди. Қўзиқуловнинг укаси унинг божаси бўлади. Шу тўғайли иккаласи яқинлашган. Йўқса, бири Касби, бири Косон туманида яшайди.

Эртаси кuni улар Қўзиқуловнинг шахсий "Москвич"ида Муборак туманидаги 7-давлат хўжалиги кўрғончасига етиб келишиб, Маматовнинг бир кун олдин

қолдириб кетишган фуқаро Николай Новиковга тегишли бўлган яшил тусли Б 29-91 КФ давлат белгили Комби "Москвич"ни олиб қайтадилар. Бироқ улар автомашинани яшириш илинжида Косон туманидаги "Болшевик" давлат хўжалигининг Хўжақудуқ қишлоғида яшовчи, Қўзиқуловнинг эски таниши Х. Исломовнинг уйига йўл олишади. Аммо Исломов уйда бўлмагач, йўлни Муборак туманидаги "Қорақум" давлат хўжалиги тарафига ўзгартиришади. Бу хўжалик ҳудуди чексиз

— Исматилло ака, машинани ёқиб юбормасак, унда орқамиздан қидириб келиши турган гап, — дея лўкма ташлади.

— Тўғри айтасан, — деди Исматилло, — ҳозирги экспертиза етти қават пўстлоқнинг остидан ҳам из топади.

Икки шерик автомашинадан бензин чиқариб олиб, обдон машина ва унинг чор атрофига тўкиб, сочишди. Гугурт қақиб, ўт қўйилди. Автомашина гуриллаб ёна бошлади. Улар мотоциклга ўт беришдию воқеа жойидан жўнаб қолишди. Икки шерикнинг кўнгиллари анчагина таскин

саксовулзорлардан иборат. Ҳар қандай ўлжани яширишга энг қулай хилватгоҳ. Улар автомашинани одам топмас жойга яширгач, биров кўнгиллари тинчиди.

— Исматилло ака, ғаройиб жойларга олиб келдингиз-да, — деди Ҳазрат анча енгил тортиб.

— Ҳали кўп ўйинлар қиламиз... Қўзиқулов жангда енгиб чиққан ҳоқонлардек овозини атай йўғон тортиб ғудранди.

— Иккита баллонини ечиб меникига ўтказинг, — буйруқ оҳангида деди у.

Автомашина баллонлари алмашгач, улар ўз ўлжасини овлоқ жойга шу тахлитда ташлаб изларига кетишди. Эртаси кuni улар аравачали "Урал" мотоцикли билан Новиковнинг машинаси яшириб қўйилган кечаги хилватгоҳга етиб келишди. Эринмай машинанинг қолган баллонларини, мотор, аккумулятор, 20 литр сийимдаги канистр, қисмларини ечиб олишиб, мотоциклга юклашди. Улар қайтишмоқчи эди, бироқ Ҳазрат шеригини қаттиқ огоҳлантирди.

топганди. Изқуварлар энди дардини шамолга айтсин.

Бу воқеа 1991 йилнинг кеч кузига бўлган эди. 6 ноябрь кuni икки шерик Исматилло Қўзиқулов ва Ҳазрат Сатторовлар Қарши шаҳрига ўзаро ахдлашиб келишганди. Шу кuni Новиков бўлмаган тақдирда бошқа бир кўнгилчан таксичининг хонумонига ўт қўйишарди. Икки шерик Эски шаҳарда итдай изғиб, кун чошгоҳдан оққанда "Саодат" дўкони рўпарасидаги такси бекатида оёқ судрашиб пайдо бўлдилар. Оврўпа миллатига мансуб таксичидан ўзларини Косон туманига олиб боришини сўрашди. Таксичига йўловчи бўлса бас. Узоқ савдолашиб ўтирмади. Уларни олиб йўлга тушди. Бироқ иккала шерик Касби — Косон чорраҳасига етганда йўлни ўзгартириб, Новиковга Қашқадарё кўпригидан ўтмасдан шу ердаги зовур ёқалаб тупроқ йўлдан ҳайдашни буюришди. Уйрот кишлоғи чегарасидан ўтиб хилватгоҳ кўзга ташланганда Қўзиқулов шеригининг имоси билан Н. Новиковнинг бўйин қисмига қаттиқ тиг санчди.

Оқибатда Н. Нозиков қотиллар қўлида жон берди.

Қотиллик узоқ қидирувлар натижасида, аниқроғи бир йилдан сўнг очилди. Х. Сатторов унутиб қолдирган Ш. 3741 рақамли ов пичоғида унинг ва шеригининг бармоқ излари қолган экан. Суд-тиббиёт хулосасига кўра марҳум Новиковни уриб тун жароҳати етказишда ҳам уларнинг бармоқ излари аниқланди.

— Сурштириш жараёнида бизга Новиковнинг қотиллари ҳақида маълумот тушди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув хизмати бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Нуриддин Раҳимов. — Ҳар бир ҳаракатни аниқ ва пухта олиб бордик. Жиноятчилар зимдан кузатилди. Маълум ашёларга эга бўлганимиздан кейин бу ишга қаттиқ бел боғлаб киришдик. Чунки марҳумнинг автомашинаси эҳтиёт қисмлари фуқаролар Б. Нормуродов, Т. Йўлдошевлардан топилди. Улар эҳтиёт қисмларни Сатторовдан сотиб олганликларини баён қилишди. Милиция ходимларидан Б. Халилов, Юсуповлар ҳам ушбу жиноятни фош этишда фаоллик кўрсатдилар.

Вилоят судининг аъзоси Р. Тошпўлатов раислигида ўтган судда қотиллар И. Қўзиқулов ва Х. Сатторовлар ўн беш йил озодликдан маҳрум этилди. Улар жазони кучайтирилган режими ахлоқ тузатиш муассасаларида ўтайдиган бўлишди.

Қотиллар жазоланди. Хўш, улар нимага эришди? Қўзиқуловнинг гулдай 6 нафар, Сатторовнинг эса 3 нафар фарзанди бўзлаб қолишди. Улар қилгилликни қилиб қўйиб, судда ўзларини оқ кўрсатишга уриндилар. Аммо фактлар ва ашёлардан юз ўгириб бўлмади.

Ўроқ ҲАЙДАРОВ,  
Қашқадарё вилояти ИИБ  
матбуот гуруҳи катта нозири,  
милиция катта лейтенанти.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!


**Постда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

За законность и правопорядок!

**На посту**

ИЗДАТЕЛЬ-КОЛЛЕГИЯ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



1994

| ЯНВАРЬ |   |    |    |    | ФЕВРАЛЬ |   |    |    |    | МАРТ |    |    |    |    | АПРЕЛЬ |    |    |    |    |
|--------|---|----|----|----|---------|---|----|----|----|------|----|----|----|----|--------|----|----|----|----|
| Д      | 3 | 10 | 17 | 24 | 31      | 7 | 14 | 21 | 28 | 7    | 14 | 21 | 28 |    | 4      | 11 | 18 | 25 |    |
| С      | 4 | 11 | 18 | 25 |         | 1 | 8  | 15 | 22 | 1    | 8  | 15 | 22 | 29 | 5      | 12 | 19 | 26 |    |
| Ч      | 5 | 12 | 19 | 26 |         | 2 | 9  | 16 | 23 | 2    | 9  | 16 | 23 | 30 | 6      | 13 | 20 | 27 |    |
| П      | 6 | 13 | 20 | 27 |         | 3 | 10 | 17 | 24 | 3    | 10 | 17 | 24 | 31 | 7      | 14 | 21 | 28 |    |
| Ж      | 7 | 14 | 21 | 28 |         | 4 | 11 | 18 | 25 | 4    | 11 | 18 | 25 |    | 1      | 8  | 15 | 22 | 29 |
| Ш      | 1 | 8  | 15 | 22 | 29      | 5 | 12 | 19 | 26 | 5    | 12 | 19 | 26 |    | 2      | 9  | 16 | 23 | 30 |
| Я      | 2 | 9  | 16 | 23 | 30      | 6 | 13 | 20 | 27 | 6    | 13 | 20 | 27 |    | 3      | 10 | 17 | 24 |    |

| МАЙ |   |    |    |    | ИЮНЬ |   |    |    |    | ИЮЛЬ |    |    |    |    | АВГУСТ |    |    |    |    | СЕНТЯБРЬ |    |    |    |    | ОКТАБРЬ |    |    |    |    | НОЯБРЬ |    |    |    |    | ДЕКАБРЬ |    |    |    |  |
|-----|---|----|----|----|------|---|----|----|----|------|----|----|----|----|--------|----|----|----|----|----------|----|----|----|----|---------|----|----|----|----|--------|----|----|----|----|---------|----|----|----|--|
| Д   | 2 | 9  | 16 | 23 | 30   | 6 | 13 | 20 | 27 | 4    | 11 | 18 | 25 | 1  | 8      | 15 | 22 | 29 | 5  | 12       | 19 | 26 | 3  | 10 | 17      | 24 | 31 | 7  | 14 | 21     | 28 | 5  | 12 | 19 | 26      |    |    |    |  |
| С   | 3 | 10 | 17 | 24 | 31   | 7 | 14 | 21 | 28 | 5    | 12 | 19 | 26 | 2  | 9      | 16 | 23 | 30 | 6  | 13       | 20 | 27 | 4  | 11 | 18      | 25 | 1  | 8  | 15 | 22     | 29 | 6  | 13 | 20 | 27      |    |    |    |  |
| Ч   | 4 | 11 | 18 | 25 |      | 1 | 8  | 15 | 22 | 29   | 6  | 13 | 20 | 27 | 3      | 10 | 17 | 24 | 31 | 7        | 14 | 21 | 28 | 5  | 12      | 19 | 26 | 2  | 9  | 16     | 23 | 30 | 7  | 14 | 21      | 28 |    |    |  |
| П   | 5 | 12 | 19 | 26 |      | 2 | 9  | 16 | 23 | 30   | 7  | 14 | 21 | 28 | 4      | 11 | 18 | 25 | 1  | 8        | 15 | 22 | 29 | 6  | 13      | 20 | 27 | 3  | 10 | 17     | 24 | 1  | 8  | 15 | 22      | 29 |    |    |  |
| Ж   | 6 | 13 | 20 | 27 |      | 3 | 10 | 17 | 24 |      | 1  | 8  | 15 | 22 | 29     | 5  | 12 | 19 | 26 | 2        | 9  | 16 | 23 | 30 | 7       | 14 | 21 | 28 | 4  | 11     | 18 | 25 | 2  | 9  | 16      | 23 | 30 |    |  |
| Ш   | 7 | 14 | 21 | 28 |      | 4 | 11 | 18 | 25 |      | 2  | 9  | 16 | 23 | 30     | 6  | 13 | 20 | 27 | 3        | 10 | 17 | 24 |    | 1       | 8  | 15 | 22 | 29 | 5      | 12 | 19 | 26 | 3  | 10      | 17 | 24 | 31 |  |
| Я   | 1 | 8  | 15 | 22 | 29   | 5 | 12 | 19 | 26 | 3    | 10 | 17 | 24 | 31 | 7      | 14 | 21 | 28 | 4  | 11       | 18 | 25 | 2  | 9  | 16      | 23 | 30 | 6  | 13 | 20     | 27 | 4  | 11 | 18 | 25      |    |    |    |  |

## САМИМИЙ ТАШАККУР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қуйидаги мазмунда хат келди.

“Онам — нафақадор Усанова Екатерина Семеновна ўз квартирасининг балконида чиқаётган эшикни бехосдан ички томондан қулфлаб қўйди. Ошхонадаги газ плитасида сут қайнатилмоқда эди, у кўп ўтмай қайнаб тошди, бутун квартира тутунга тўлди, ёнган чиқишига бир баҳя қолган эди.

Шу пайтда кўчадан ўтиб кетаётган Чилонзор тумани ИИБ катта участка вакили, милиция майори Ғ. Абдурахмонов тутунни кўриб қолиб, квартирага қараб шовилди. Ишнинг кўзини билган ҳолда ҳаракат қилиб, ёнган чиқишининг олдини олди ва бу билан сеvimли онамиз ва бувимизнинг ҳам, қўшнилариимизнинг ҳам ҳаётини сақлаб қолди.

Биз участка вакилимизга ўхшаган жасур ходимларнинг борлигидан ниҳоятда хурсандмиз.

Ички ишлар идораларининг бутун шахсий таркибини кириб келаётган Янги йил билан табриклаймиз, уларга республикаимиз фуқароларининг осойишталигини сақлашга доир олижаноб ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

В. ЛОБАНОВ”.

## ТАНАФФУС

## КИМНИНГ ДАРДИ НИМАДА?

**Амалдор:** Вой-бўй, қор роса ёғибди-ку. Айтмоқчи, бу ҳақда ҳали буйруқ берилмаган эди-ку. Котиба! — Дарҳол ҳузуримга ўринбосарларни таклиф этинг...

**Хўшмадқўй:** Қормисан-қор бўлибди-да. Тезроқ бориб хўжайиннинг ҳовлисини кураб бериш керак. Бўлмаса, Ҳалим хумпар мендан олдин етиб боради.

**Ивгогар:** Бу йил нега биринчи қор қалин ва эрта ёғдикин-а?

Ҳойнаҳой, бу об-ҳаво бюросидагиларнинг иши. Уларни бир бошлаб “тузлаш” керакка ўхшайди. Шовмай туришинчи...

**Чайқовчи:** Аксига олиб биринчи қорнинг бутун туманимизга ёққанини қаранг-а. Бошқа вилоятларга олиб бориб сотсаммикан-а? Ёзда ёғмайсанми, номард, сотиб анча пул ишлаб олардим.

## ЗАМОНАВИЙ МАҚОЛЛАР

Аввал уйлан, кейин ўзинг биласан.

\*\*\*

Айрилган бўри ер, бўлинган айиқ ер.

\*\*\*

Порахўрнинг юзи йўқ, қайга борса қўли чўзиқ.

\*\*\*

Биттаси ўзингга, мингтаси хўжайинга.

\*\*\*

Харажатдан қўрққан мансабга минолмас.

## Бир қайнови ичида гаплар

— Мен қаерга тушдим, йигитча?  
— Ўликхонага.

[Телефондаги суҳбат].

\*\*\*

“Ўйнаш жойи”

[Мактаб ҳовлисидаги ёзув]

\*\*\*

— Эртага фуқаролар урушини бошлаймиз.

[Тарих фани ўқитувчисининг гапидан].

\*\*\*

— Алмашлаб экиш қондаларига риоя қилиб, бешинчи бригада ерларига олтинчи, олтинчи бригада ерларига бешинчи бригада пахтакорлари чигит экилар.

[Раис ҳисоботидан].

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.

## ЛАТИФАЛАР

Хотин уйқу олтидан берсакмикин?

ўйларди: “Қизиқ, эртага — Нима гап бўлди?

тўйимиз бўлганига 15 йил — Шубҳали: отиб бўлиб, тўлишини эслармикан? автоматдаги бармоқ Совға-салом...” изларини артиб ташлади...

\*\*\*

Ёнида ётган эри ҳам

ўйларди: “15 йил. Уни ўшандаёқ йўқотганимда, эртага турмадан чиқиб озодликда бўлардим”.

\*\*\*

— Сержант, оддий аскар Иванов ҳақида жиноят-қидирув бўлимига хабар

Ўқувчи муаллимасига хат ёзди: “Мен сизни севаман”. Муаллима жавоб қайтарди: “Болаларни кўргани кўзим йўқ”. Шуңда ўқувчи иккинчи хатни жўнатди: “Ишонтириб айтаман, болалар бўлмайди”.  
О. Фармонов тайёрлаган.

## КОРХОНАНИНГ КЕЛГУСИ РЕЖАЛАРИ ҚАНДАЙ?



Маълумки, вазирлик Хўжалик бошқармасининг тикувчилик корхонасида республика ИИБ шахсий таркиби учун устки кийимлар тикилади. Корхонанинг янги йилдаги режалари билан қизиққанимизда, унинг директори Зайниддин Тўлаганов қисқа ва лўнда қилиб, шундай деди:

— Россиядан келтириладиган жун матонинг миқдори кескин камайиб кетганлиги сабабли ишимизда бирмунча узилишлар бўлаяпти. Режадаги кийим-кечакларни тайёрлай олмаяпмиз. Келинг, яхшиси, янги йил арафасида бу ҳақда гапирмай қўяқолайлик. Агар вақт ажратиб, келаси йили бир келсангиз, бафуржа

суҳбатлашиб олардик. 1994 йилда режалаштирган ишларимизни эса баҳоли қудрат амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Директор билан яна бир бор учрашишга келишиб, хайрлашдик.

Ҳ. ШОДИЕВ.

**Суратларда: тикувчилар Маҳфуза Раҳматуллаева (чапдан) ва Ҳакима Юнусовалар доимо баҳамжиҳат ишлайдилар; меҳнат фаҳрийси Кутуз ака Асқаров (ўнгда) бўюртмачига тайёр кийимни кўрсатмоқда.**

Муаллиф олган суратлар.



## ДИНАМОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Исроилдаги Батъям шаҳрида жаҳон таснифига биноан “А” даражасига киритилган дзюдо кураши бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда дунёдаги ўн икки мамлакатдан келган спортчилар қатнашдилар.

Ўзбекистон бу мусобақаларда учта динамочи билан қатнашди, уларнинг чиқишлари муваффақиятли бўлди, дейиш мумкин.

Халқаро даражадаги спорт устаси, Тошкент ЁСБ нозири, ички хизмат лейтенанти А. Багдасаров ва спорт устаси, Тошкент ИИББ жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказининг методист-нозири В. Шмаков ўзларининг вазн тоифаларида ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори пиллапоясига кўтарилдилар. Халқаро даражадаги спорт устаси, республика ИИБ Ички қўшинлар бошқармаси штатдаги спорт жамоасининг аъзоси, кичик сержант Д. Пармонов учинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

## Қидирилмоқда



Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани ички ишлар бўлими томонидан 1978 йилда Каттақўрғон тумани, “Галаба” жамоа хўжалигининг Чигатой қишлоғида туғилган, 10-синф ўқувчиси **Равшанали Дўсмаматович Тошпўлатов** қидирилмоқда.

У шу йилнинг 15 октябрь куни эрталаб уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

**Белгилари:** бўйи 120-130 см. атрофида, ўртача вазни, юзи юмалоқ, сочи калта ва қора.

**Кийими:** эғнида қора рангли куртка, сарғиш рангли шим, оёғида қора рангли кроссовка бўлган.

**Алоҳида белгилари:** оқсоқланиб юради, ўнг оёғи чап оёғига нисбатан калта.

Р. Тошпўлатовнинг кейинги тақдирдан воқиф фуқаролардан бу ҳақда Каттақўрғон тумани ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Бухоро вилояти, Ромитан тумани ички ишлар бўлими томонидан 1978 йилда туғилган, Ромитан шаҳар, Шифокорлар кўчаси, 15-уйда яшаб келган Алишер Соҳибович Абдуллаев қидирилмоқда. У шу йилнинг 12 октябрь куни эрталаб тахминан соат 9 ларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см. атрофида, сочи ва кўзлари қора, қошлари ёйсимон. Ўртача қоматли.

**Кийими:** эғнида олача чопон, кўк рангли энги калта қўйлак, жигарранг спорт шими, оёғида оқ пайпоқ ва ёзги сариқ рангли шиппак бўлган.

А. Абдуллаев уйдан “Урал” русумли кўк рангли велосипедда чиқиб кетган. Велосипед эскирок, орқа ўриндиғи йўқ.

А. Абдуллаевнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда Ромитан тумани ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ бўлим бош-лиғи, милиция подполковниги Р. З. Шокировга отаси ва онаси

**Зокир ота ШОКИРОВ,**

**Орзиниса она ОТАҚЎЗИЕВ**нинг вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 710, 33.130 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

**Муҳаррир**  
**Зокир ОТАЕВ**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:**  
700029, Тошкент,  
Наврўз кўчаси, 1.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6